

# Use of Concepts of Integrated Cultural Heritage in the Process of Integrative Teaching of "Tarbiya" (On the Example of 11th Grade)

*Tashmatova Kamola Abdurashidovna*<sup>1</sup>

**Abstract:** In this article, the comments and conclusions related to the study of the subject "Tarbiya" taught in general secondary schools on a basic basis with other disciplines helped to obtain explanations of the intangible cultural material.

**Key words:** Education, integration, upbringing, process, innovation, textbook, method, reading, reading, lesson, intangible culture, exercise, heritage, play, reading.

Ўқувчини тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган фан-техника ютуқларидан самарали фойдалана олиш ҳамда шиддатли тезликда ахборотлар оқимини қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли НММ элементларини ўқув фанлари мазмунига сингдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Тарбия” фани мазмунида номоддий маданий меросимизнинг бойлиги бўлган, унутилиш арафасида турган бетакрор, пурмаъно сўз ва ибораларни тўплаш асосида мақоллар, маталлар, афсона ва ривоятлар, ҳикоятлар («Адабиёт» фани), НММ тарихининг моҳиятини очиб берувчи қадимий қўлёзмалар, ўзбек халқининг маданий ривожланиш тарихи («Ўзбекистон тарихи» фани), Ўзбекистон номоддий маданий меросининг бошқа халқлар маданиятидан ажралиб турувчи жиҳатлари («Инглиз тили» фани), фанлари билан интеграция асосида ўқитиш ўқув жараёнини самарали бўлишига олиб келади.

“Интеграция” сўзи латинча интеграцио – тиклаш, тўлдириш, “integer” бутун сўзидан келиб чиққан<sup>2</sup>.

Таълимга боғлиқ “Integratsiya” тушунчаси 2 та маънога эга:

1. Ўқувчида атрофдаги олам тўғрисида яхши тасаввур ҳосил қилиш (бу ерда интеграция таълим мақсади сифатида кўрилади).
2. Предметли билимларни яқинлаштириш учун умумий платформани топиш (бу ерда интеграция - таълим воситаси сифатида)<sup>3</sup>.

Замонавий дарсларнинг муҳим талабларидан бири фанлараро узвий алоқадорликни таъминлашдан иборат. Бу, ўз навбатида, дарсларда ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялаш, уларда фанларнинг назарий жиҳатларини эгаллашларини таъминлайди<sup>4</sup>.

Ўқув фанлари мазмунида НММ элементларини сингдириш учун ўқув фанларидаги мавжуд мавзуларни таҳлил қилиш имконини беради. Шу сабабдан, қуйидаги 2-1-жадвалда 1-11-синфларда “Тарбия” фани мазмунидаги номоддий маданий меросга оид тушунчалар таҳлилида ҳам кўришимиз мумкин.

НММ мазмунидаги билимлар таҳлил этилган ҳолда умутаълим мактаблари ўқувчиларида номоддий маданий мерос мазмунидаги билимларни ривожлантириш учун оддийликдан мураккабликка томон ривожлантириб боориш, бунда ўқувчи ва ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек дарс ва дарсдан ташқари машгулотлар режасини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш лозим. Умутаълим мактабларида номоддий маданий мерос мазмунидаги билимларни қуйидаги ёъналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Адабиёт фанида номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантириш;
- Тарих фанларида номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантириш;
- Инглиз тили фанида номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантириш;
- Тарбия фанида номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантириш;
- Ҳуқуқшунослик фанида номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантириш.


<sup>1</sup> teacher of the department of Folklore and Ethnography Uzbekistan state institute of art and culture

<sup>2</sup> Педагогика назарияси ва тарихи, Р.Мавлонова ва бошқалар, Т 2010, “Фан ва технология”. 159 б.

<sup>3</sup> Педагогика назарияси ва тарихи, Р.Мавлонова ва бошқалар, Т 2010, “Фан ва технология”. 271 б.

<sup>4</sup> “Бошланғич синф она тили дарсларида интеграциялашган таълимдан фойдаланиш” “Педагогика” илмий-назарий ва методик журнал. Низомий номидаги Токент давлат педагогика университети. Т 2021 й, 5 сон, 11 б.

1.11 расм. 11-синф “Тарбия” фанида интеграция



- Тарбия фани** - “Тарбия” фани “Адабиёт” ва “Тарих” фанлари тизимида ўзаро боғлиқликда дарслар ташкил қилинади.
- Адабиёт** - “Тарбия” ва “Адабиёт” фанлари тизимида ўзаро боғлиқликда дарслар ташкил қилинади.
- Тарих** - “Тарбия” фани ва “Инглиз тили” фанлари тизимида ўзаро боғлиқликда дарслар ташкил қилинади.
- Номоддий маданий мерос йўналишлари** - **Номоддий маданий мероснинг бешта йўналиши бўйича тизимли интегротив дарслар ташкил қилиш.**

11-синф “Тарбия” фани негизида ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда Адабиёт фани билан ўзаро алоқадорликда интегротив дарслар ташкил қилишни тақазо қилади. *Ўзликни намo'н қилишнинг o'zaki shakl va an'analari*. 11-синф ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанидаги “Ватан тараққиётига мен ҳам масъулман” (1-3 мавзулар) “Сурат ва сийрат” (19-20 мавзу) “Дунё динларида тинчлик ғояси” (14-15 мавзу) “Адабиёт” фанидаги “Халқ оғзаки ижоди “Тўрўғли” достони (4с) мавзулари асосида ўзаро боғлиқликда дарслар ташкил қилинса номоддий маданий мероснинг *ўзликни намo'н қилишнинг o'zaki shakl va an'analari* йўналиши бўйича билимлар ривожланади. *Ижро сан'ати*. Ушбу йўналишда “Тарбия” фанидаги “Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги фаолияти ва тинчликпарвар ташки сиёсати” (1с) ва “Тарих” фанидаги “Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши” (1с) мавзулари ўзаро алоқадорликда олиб борилса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади. *Урф-одат, маросим ва байрамлар*. Ушбу йўналиш бўйича “Тарбия” фанидаги “Оила масъулияти, шани ва кадри” (5 мавзу) “Бағрикенглик” (7 мавзу) “Нафосат ва маънавият” (18 мавзу) “Кибермаконда ахборот истемоли маданияти” (12-13 мавзу) “Туйғуларнинг хилма-хиллиги” (16-17 мавзу) “Дунё динларида тинчлик ғояси” (14-15 мавзу) ва “Адабиёт” фанидаги “Халқ оғзаки ижоди “Тўрўғли” достони (4с) достони мавзулари билан ўзаро алоқадорликда дарслар олиб борилса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади. *Ан'анавий хунармандчилик билан боғлиқ bilim va kunikmalar* йўналиши бўйича “Тарбия” фанидаги “Ўзбекистонда маданият ва сан'ат” (1с) ва “Тарих” фанидаги “Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши” (1с) мавзулари билан ўзаро боғлиқликда дарслар ташкил қилиш муҳим аҳамият

касб этади. Натижада ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади. **Табиат ва коинотга оид билим ва кўникмалар** йўналиши бўйича “Тарбия” фанидаги “Ибрат маскани” (6 мавзу) “Кибермаконда ахборот истемоли маданияти” (12-13 мавзу) ва “Адабиёт” фанидаги “Халқ оғзаки ижоди “Тўрўғли” достони” (4с) мавзуси асосида дарс ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Натижада ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чикиб, ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда фанлараро интеграцияни ташкил қилишда куйидаги хусусиятлар таҳлил қилинди:

- Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанида ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари йўналиши бўйича келтирилган фанлар ва мавзулар бўйича ташкил қилинса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади;
- Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанида ижро санъати йўналиши бўйича келтирилган фанлар ва мавзулар бўйича ташкил қилинса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади;
- Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанида ўзликни намоён қилишнинг урф-одат, маросим ва байрамлар йўналиши бўйича келтирилган фанлар ва мавзулар бўйича ташкил қилинса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади;
- Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанида ўзликни намоён қилишнинг анъанавий ҳунармандчиликка оид билим ва кўникмалар йўналиши бўйича келтирилган фанлар ва мавзулар бўйича ташкил қилинса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади;
- Ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчаларни ривожлантиришда “Тарбия” фанида ўзликни намоён қилишнинг табиат ва коинотга оид билимлар йўналиши бўйича келтирилган фанлар ва мавзулар бўйича ташкил қилинса ўқувчиларда номоддий маданий меросга оид тушунчалар ривожланади;

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2012. -39 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 1997.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2020 йилларда НММ объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури» тўғрисидаги 222-сонли қарори Т.: 2010.
5. Педагогик технология. Н.Х.Авлиякулов, Н.Н.Мусаева, Дарслик, Т., 2012, “Тафаккур бўстони” 107 б.
6. Педагогика назарияси ва тарихи, Р.Мавлонова ва бошқалар, Т 2010, “Фан ва технология”. 159 б.
7. <sup>1 1</sup> Педагогика назарияси ва тарихи, Р.Мавлонова ва бошқалар, Т 2010, “Фан ва технология”. 271 б.
8. <sup>1</sup> “Бошланғич синф она тили дарсларида интеграциялашган таълимдан фойдаланиш” “Педагогика” илмий-назарий ва методик журнал. Низомий номидаги Токент давлат педагогика университети. Т 2021 й, 5 сон, 11 б.